



**Бажарилиши икки йилга мўлжалланган ёш олимлар инновацион лойиҳалари танлови мавзуси**

<b>“Биология фанлари” йўналиши бўйича</b>			
<b>№</b>	<b>Инновацион лойиҳа мавзуси</b>	<b>Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа</b>	<b>Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми</b>
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>
1	<p>Оролбўйи минтақасида эфир мойли доривор ўсимликлар – Қора андиз (<i>Inula Helenium L.</i>) доривор мармарак (<i>Salvia officinalis L.</i>) ва лаванда – (<i>Lavandula officinalis</i>) ни етиштириш агротехнологияласини яратиш</p> 	<p><b>Тадқиқот шакли:</b> Оролбўйи минтақасида эфир мойли доривор ўсимликлар – Қора андиз (<i>Inula Helenium L.</i>) доривор мармарак (<i>Salvia officinalis L.</i>) ва лаванда – (<i>Lavandula officinalis</i>) ни етиштириш бўйича инновацион лойиҳа бажарилади.</p> <p><b>Илмий-тадқиқот натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Қорақалпоғистон Республикасида турли эфир мойли доривор ўсимликларни етиштириш давридаги фенофазаларининг кўрсаткичлари ва уларнинг маҳсулдорлиги ўрганилади;</li> <li>- ўсимликларнинг турли қисмларида эфир мойларининг миқдори аниқланади;</li> <li>- республикамизнинг турли тупроқ-иклим шароитларида етиштирилган эфир мойли доривор ўсимликларнинг кимёвий таркиби ўрганилади;</li> <li>- эфир мойлари миқдорининг мавсумий динамикаси ва ўстириш шароитларига боғлиқ ҳолда уларнинг тўпланиш хусусиятлари аниқланади;</li> <li>- юқори миқдорда эфир мойли доривор ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ўрганилади ва уларнинг хом-ашёларини тайёрлашнинг оптимал (мақбул) муддатлари аниқланади;</li> <li>- ўсимликларнинг вегетацияси даврида эфир мойларининг миқдори ва сифат таркиби аниқланади.</li> </ul> <p><b>Натижаларни синовдан ўтказиш:</b> Тадқиқот натижалари фармацевтика саноатида синовдан ўтказилади.</p> <p><b>Илмий натижаларни чоп этиш:</b> Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	0,4 млрд сўм
<b>Жами йиллик:</b>			<b>0,4 млрд сўм</b>

*\*Инновацион лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 0,8 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.*

**Бажарилиши икки йилга мўлжалланган ёш олимлар амалий лойиҳалари танлови мавзуси**

<b>“Биология фанлари” йўналиши бўйича</b>			
<b>№</b>	<b>Амалий лойиҳа мавзуси</b>	<b>Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа</b>	<b>Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми</b>
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>
2	<p>Ген муҳандислиги асосида рекомбинант браззеин оксилени олиш технологиясини яратиш</p>  <p><b>Brazzeins</b></p> 	<p><b>Тадқиқот шакли:</b> Ген муҳандислиги асосида рекомбинант браззеин оксилени олиш технологиясини яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p><b>Илмий-тадқиқот натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- рекомбинант браззеин оксилени кодловчи вектор плазмидалар <i>Pichia pastoris</i> ва <i>Escherichia coli</i> экспрессион штамmlарига трансформацияланади ва суперпродуцент колония танланади;</li> <li>- рекомбинант оксил синтез бўлишини оширириш учун оптимал озуқа таркиби ва ўсиш шароитлари танланади;</li> <li>- рекомбинант браззеин оксилени тозалаш методологияси ишлаб чиқилиб, методнинг самардорлиги ва олинган оксилнинг тозаллиги аниқланади;</li> <li>- олинган рекомбинант оксилнинг кимёвий ва биологик фаоллиги ўрганилади;</li> <li>- ген муҳандислиги асосида рекомбинант браззеин оксилени олиш технологияси яратилади.</li> </ul> <p><b>Натижаларни синовдан ўтказиш:</b> Олинган тоза оксилнинг токсиклик хусусияти ва ширинлилик даражаси синовдан ўтказилади.</p> <p><b>Илмий натижаларни чоп этиш:</b> Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus халқаро маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p>	<p align="center"><b>0,4 млрд сўм</b></p>
<b>Жами йиллик:</b>			<b>0,4 млрд сўм</b>

\*Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 0,8 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.